

Рахимов Афзалбек Қудрат ўғли

Фискал институт мустақил тадқиқотчи

УГЛЕРОД СОЛИҒИНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШДАГИ АСОСИЙ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАР

Аннотация: Ушбу мақолада биз асосан солиқ тизимининг қандай қилиб экологик йўналтириш мумкинлигини ва бу жараёнда нималарга эътибор қаратиш зарурлигини кўриб чиқишга ҳаракат қиламиз. Хусусан, экологик солиқлардан энг кенг таркаган углерод солиғини амалиётга татбиқ қилишдаги эътиборга молик хусусиятлари муҳокама қилинади. Бундан ташқари, углерод солиғи қандай ишлаши ва унинг иқтисодиёт бошқа жабҳаларига таъсири қандайлиги билан бир қаторда углерод солиғини лойиҳалашдаги муҳим омиллар мақолада ёритиб берилади. Айниқса, ҳозирги кунга келиб атроф-муҳит ўзгаришидан энг кўп зарар кўраётган ривожланаётган мамлакатларда солиқ тизимини қандай қилиб экологик йўналтириш мумкинлиги борасидаги фикрлар ҳам мақола сўнггида келтирилган.

Калит сўзлар: углерод солиғи, лойиҳалаш, солиққа тортиш, экология, иссиқхона газлари.

Рахимов Афзалбек Қудрат оғли

Независимый исследователь фискального института

ОСНОВНЫЕ ПРИОРИТЕТЫ ПРИ ВВЕДЕНИИ УГЛЕРОДНОГО НАЛОГА

Аннотация: В этой статье мы в основном постараемся рассмотреть, как налоговая система может быть экологически ориентированной и на что при этом обращать внимание. В частности, будут рассмотрены наиболее общие черты реализации самого распространенного углеродного налога из экологических налогов. Кроме того, в статье освещается, как работает налог на выбросы углерода и как он влияет на другие сектора экономики, а также важные факторы в структуре налога на выбросы углерода. В частности, в конце статьи также представлены идеи о том, как сделать налоговую систему более экологичной в развивающихся странах, которые в настоящее время больше всего страдают от экологических изменений.

Ключевые слова: углеродный налог, дизайн, налогообложение, экология, парниковые газы.

Rakhimov Afzalbek Qudrat oglu

Independent researcher at the Fiscal Institute

Key priorities in introducing a carbon tax

Annotation: In this article, we will mainly try to consider how the tax system can be environmentally oriented and what to pay attention to. In particular, the most common features of the implementation of the most common carbon tax among environmental taxes will be considered. In addition, the article highlights how a carbon tax works and how it affects other sectors of the economy, as well as important factors in the structure of a carbon tax. In particular, ideas are also presented at the end of the article on how to make the tax system more environmentally friendly in developing countries, which are currently suffering the most from environmental changes.

Keywords: carbon tax, design, taxation, ecology, greenhouse gases.

Кириш

Ўзбекистонда солиққа тортишнинг экологик элементлари деярли мавжуд эмас. Республикамизда фойдали қазилмалардан фойдаланганлик учун юқори фискалликка эга акцизларга кўпроқ аҳамият берилгани ҳолда атроф-муҳитни ифлослантиришни олдини олиш ёки табиатга етказилган зарарни қоплаш имконини берувчи фискал инструментлар яхши йўлга қўйилмаган. Охирги йилларда йириклашиб бораётган шаҳарлар ва саноатлашаётган ҳудудларда экологиянинг жиддий бузилиши кузатилмоқда. Бундай шароитда давлат тартибга солувчи восита сифатида экологик характердаги фискал механизмлардан, хусусан, углерод солиғидан самарали фойдаланиши мақсадга мувофиқ.

Углерод солиғини жорий этиш давлат учун муҳим сиёсий қарор бўлиб, унинг механизмини пухта ишлаб чиқиш ва режалаштириш ушбу солиқдан кўзланган мақсадларига муваффақиятли эришишга ёрдам беради.

Халқаро амалиёт таҳлили шуни кўрсатдики, баъзи мамлакатлар углерод солиғини қисқа вақт ичида жорий қилган бўлса, бошқа бир гуруҳ мамлакатлар солиқ механизмини ишлаб чиқиш учун бир неча йиллар сарфлаган. Углерод солиғини жорий қилиш учун қанча вақт зарурлиги қисман углерод солиғи турига ҳам боғлиқ. Масалан, ёқилғи қазиб олиш ва ишлаб чиқариш жараёнига қўлланиладиган солиқ (*upstream tax*) механизмини ҳаётга татбиқ этиш учун анча кам вақт талаб қилинса, ўлчаш, ҳисобот бериш ва текширишни талаб этадиган қайта ишлаш жараёнига солинадиган солиқ (*downstream tax*) механизмини ишлаб чиқишга кўпроқ вақт керак бўлади (Arlinghaus, 2015).

Технологик инқилоб натижасида атроф-муҳитнинг ифлосланиши қисман бартараф этилган бўлсада, XIX аср охири ва XX аср бошларидаги sanoat инқилоби давридан бошланган глобал экологик бузилиш тенденцияси ҳали-ҳануз юқори суръатларда давом этиб келмоқда. Шунинг учун охириги ўн йилликларда кўпгина ривожланган ва айрим ривожланаётган мамлакатлар ҳам атроф-муҳит ўзгаришларига қарши курашишнинг фискал воситаларидан фойдаланишни амалда синаб кўрмоқдалар. Ҳозирги кунга келиб бу борада дунёда энг кўп тарқалган усуллардан бири углерод солиғини қўллаш бўлиб, дунёнинг қарийб 64 та мамлакатида мазкур солиқни жорий қилиш ҳаракатлари аллақачон бошлаб юборилган.

Ўзбекистонда ҳам яшил иқтисодиёт стратегиясини ишлаб чиқиш асносида углерод солиғини жорий қилиш масаласи бугунги иқтисодий ислохотларнинг марказий масалаларидан бир бўлиб қолмоқда. Шу муносабат билан мазкур мақола орқали биз углерод солиғини жорий қилиш жараёнида нималарга кўпроқ эътибор қаратиш кераклиги ҳақида ўз фикр мулоҳазаларимизни келтириб ўтишга қарор қилдик.

Назарий аспект:

Углерод солиғи қандай ишлайди?

Аксарият мамлакатлар ва субмиллий юрисдикциялар одатда иссиқхона газларини ажратадиган маҳсулотлар ва жараёнларга солиқ соладилар. Бу турдаги солиқларнинг баъзилари қўшилган қиймат солиғи ёки фойда солиғи каби барча товарлар ёки фаолият турларига татбиқ этиладиган умумий солиқ ҳисобланса, бошқалари ёқилғи истемолига акциз солиғи каби углеродни кўп талаб қиладиган маҳсулотларга қўлланилади. Бундай солиқлар, хусусан, юқори углерод таркибли маҳсулотлар ёки жараёнларга йўналтирилган бўлиб,

унинг эмиссиясини камайтиришни кўзлайди. Баъзи ҳолларда бу солиқ механизмлари экологик мақсадларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилиши мумкин бўлса-да, углерод солиғининг самарадорлиги бундан ҳам юқорирак бўлиб, бевосита иссиқхона газлари чиқиндиларининг нархини белгилай олади (Zhang ва Baranzini, 2004).

Усуллари ҳар хил бўлса-да, одатдаги углерод солиғи маҳсулот ёки жараённинг иссиқхона газлари чиқиндилари (метрик тонна карбонат ангидрид эквиваленти tCO_{2e} билан ўлчанади) ва улар учун тўланиши керак бўлган солиқ ўртасида тўғридан-тўғри боғлиқлик яратади.

Углерод солиғини лойиҳалашда 5 та асосий йўналиш мавжуд бўлиб, улар 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Углерод солиғини лойиҳалашнинг асосий йўналишлари

Солиқ солинадиган базани аниқлаш	Солиқ ставкасини аниқлаш	Потенциал қирувчи таъсирларни олдини олиш	Даромадлардан фойдаланишни аниқлаш	Назорат ва мувофиқликни таъминлаш
1.Иқтисодиётнинг қайси соҳаларини қамраб олишни аниқлаш. 2.Қайси газларга солиқ солишни аниқлаш.	1.Солиқ ставкасини белгилашдаги асосий меъёрларни аниқлаш. 2.Вақт ўтиши билан солиқ ставкаси ўзгаришини белгилаш.	1.Солиқнинг углерод сарфи ёки таксимотга салбий таъсир қилиш хавфини баҳолаш. 2.Хавфларни камайтириш бўйича чора-тадбирлар харажатлари ва фойдаларини кўриб чиқиш.	1.Углерод солиғидан кутилаётган даромадни ҳисоблаш. 2.Даромадни қайта таксимлаш, даромад солиғини пасайтириш, харажатларни кўпайтириш ёки ҳар учаласини бажариш кераклигини аниқлаш.	1.Солиқ маъмурчилиги учун зарур бўлган вазифа ва мажбуриятларни аниқлаш. 2.Солиқдан қочиш ва бўйсунмаслик учун тегишли жарималарни ишлаб чиқиш.

Metcalf va Weisbach (2009)

Амалий аспект:

Солиқ солинадиган базани аниқлаш

Углерод солиғининг объекти углерод таркибли ёқилғилар, субъекти эса фаолиятида углерод истеъмол қилувчи (эмиссия қилувчи) тармоқлар ва муайян субъектлардир. Солиқ солинадиган базани аниқлаш углерод солиғини лойиҳалашда дастлабки ва энг муҳим қарорлардан бири ҳисобланади. База қандай аниқланиши чиқиндиларни камайтириш даражасига, ҳосил бўлиши мумкин бўлган даромад миқдорига ва солиқ солинадиган тармоқлар ва

гуруҳларга таъсир қилади. Бу, шунингдек, углерод солиғини жорий қилиш бўйича қабул қилиниши керак бўлган бошқа муҳим қарорларга таъсир ўтказди. Хусусан, эмиссияни қисқартириш ёки тушумни ошириш мақсадига эришиш учун керак бўладиган солиқ ставкасидан тортиб, солиқни жорий этиш учун зарур бўлган институционал келишувлар туригача бундай қарорлар сирасига киради.

Солиқ солинадиган базани турли йўллар билан аниқлаш мумкин бўлса-да, казиб олинadиган ёқилғиларни ишлаб чиқариш, импорт қилиш ва сотиш бўйича бевосита эмиссия солиқлари (ёқилғига асосланган) ишлаб чиқариш ва оралиқ ишлаб чиқариш деб аталadиган солиқлар ўртасида катта фарқ бўлиши мумкин. Масалан, электр энергиясини ишлаб чиқариш, саноат жараёнлари ва чиқиндиларни йўқ қилиш кабилар шулар жумласидандир. Ёнилғига солинадиган солиқлар одатда энг содда ҳисобланади ва бугунги кунда улар углеродга солиқнинг кенг тарқалган туридир (2-жадвал). Бу турдаги углерод солиғи кўпинча минимал қўшимча бошқарувни талаб қилади. Бундан ташқари, солиқ тўлаш учун масъул бўлган юридик шахсни аниқлаш одатда мавжуд акциз солиғи қоидаларига мувофиқ амалга оширилади.

2-жадвал

Углерод солиғининг ёнилғи ва эмиссия турлари

Ёнилғига солинадиган солиқлар		
Мамлакатлар	Қамраб олинган ёнилғи турлари	Асосий истиснолар
Буюк Британия	Барча	Қишлоқ хўжалиги, авиация ва сув транспорти
Дания	Барча	Халқаро сув транспорти
Франция	Барча	Қишлоқ хўжалиги, транспорт
Ҳиндистон	Кўмир	-
Ирландия	Барча	Қишлоқ хўжалиги, халқаро сув транспорти
Япония	Барча	Қишлоқ ва ўрмон хўжалиги, авиация, темир йўллар ва сув транспорти
Мексика	Кўмир, нефт	-
Норвегия	Нефт, газ	Халқаро сув транспорти,

		балиқчилик ва қишлоқ хўжаликлари
Португалия	Барча	Халқаро сув транспорти
Швеция	Барча	Қишлоқ хўжалиги (қисман), Халқаро сув транспорти
Швецария	Барча	Транспортлар
Бевосита эмиссия солиқлари		
Мамлакатлар	Қамраб олинган эмиссиялар	
Австралия	Электр энергия, саноат, чиқинди	
Чили	Катта қозон ва турбиналар	
Жанубий Африка	Ёнилғилар, саноат жараёнлари, маҳсулотдан фойдаланиш	

Солиқ ставкасини аниқлаш

Солиқ ставкасини белгилаш – углерод солиғини жорий қилишда давлат дуч келадиган энг муҳим қарорлардан биридир. Бу иккита асосий элементни ўз ичига олади. Биринчидан, сиёсатчилар углерод солиғининг бошланғич ставкасини белгилаш учун асосий меъёрни танлашлари керак. Кейин улар келажакдаги нархлар учун траекторияни белгилаш ёки вақт ўтиши билан ставкани тўғирлашнинг аниқ механизмини қабул қилиш бўйича қарор қабул қилишлари керак.

Углерод солиғининг бошланғич ставкасини белгилашнинг тўртта асосий ёндашуви мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бири ҳар хил сиёсий мақсадлар билан боғлиқ. Ҳукуматлар эмиссия миқдорини камайтириш, даромадларнинг маълум даражасини ошириш ёки чиқиндиларнинг ижтимоий харажатларини акс эттириш учун солиқ ставкасини белгилаши мумкин. Ушбу учта ёндашувнинг ҳар бирида, аниқ мақсадга эришишга ёрдам берадиган ставкани аниқлаш учун моделлардан фойдаланиш мумкин. Бундан ташқари, мамлакатлар шунга ўхшаш ҳолатлар ёки асосий солиқ солинадиган товарлар учун рақобатлашаётган давлатларда солиқ ставкаларига мувофиқ бенчмаркларни ишлаб чиқиши мумкин. Шу билан бир қаторда, Эмиссия Савдо Тизими эга бўлган мамлакатлар углерод солиғи ставкасини Эмиссия Савдо Тизими баҳоси билан боғлашга қарор қилишлари мумкин.

Вақт ўтиши билан ставка қандай ривожланишини аниқлаш учун бир нечта ёндашувлар мавжуд. Маълум бир давр мобайнида мутахассислар, сиёсатчилар ва бошқа манфаатдор томонлар ёрдамида нархлар ҳаракатининг траекториясини аниқлаш, ставкани тўғирлаш формуласини яратиш шулар

жумласидандир. Бу ёндашувлардан қайси бирини амалда қўллаш мумкинлиги қисман давлатнинг конституциявий контекстига ҳам боғлиқ бўлади.

Бундан ташқари, углерод солиғининг ставкасини аниқлашда давлат ўз манфаатларидан келиб чиқан ҳолда қарор қабул қилиши мумкин. Масалан, Ирландияда углерод солиғи ставкаси 1 тонна углерод чиқиндиси учун 28 долларни ташкил этади. Аммо, бу каби юқори углерод солиғи ставкаси ёрдамида Ирландия ҳукумати фойда солиғи ставкасини 15 фоизгача (Европа мамлакатлари орасидаги энг паст кўрсаткич) туширишга ва бунинг натижасида хорижий инвестициялар оқимини жадаллаштиришга муваффақ бўлди.

3-жадвал

Мамлакатлар бўйича углерод чиқиндисининг нархи

Мамлакатлар	1 тонна углерод чиқиндисининг нархи (АҚШ долларида)
Буюк Британия	22
Чили	5
Дания	31
Финландия	48-83
Франция	24
Исландия	10
Ҳиндистон	6
Ирландия	28
Япония	3
Мексика	1-4
Норвегия	4-69
Португалия	5
Жанубий Африка	8.5
Швеция	132
Швецария	87

Потенциал кирувчи таъсирларни олдини олиш

Углерод солиғи баъзида ўз дизайнининг бир қисми бўлмаган, масалан, углерод сарфини келтириб чиқарадиган оқибатларга олиб келиши мумкин. Бу хавфларнинг пайдо бўлиши бир қанча омилларга боғлиқ ва кўп ҳолларда чекланган бўлади. Бироқ, бу хавфлар сиёсатнинг муҳим ташвишидир ва ҳеч бўлмаганда углерод солиғи лойиҳалаш жараёнига киритилиши керак.

Моделлар гарчи ноаниқликка дуч келса ҳам ва фақат умумий кўрсатма сифатида ишлатилиши керак бўлса ҳам, потенциал тарқатиш таъсирини

прогноз қилишда фойдали бўлиши мумкин. Пост-эконометрик баҳолар, шунингдек, амалда таъсирни баҳолаш учун ишлатилиши мумкин. Бу эса кирувчи таъсирларни юмшатиш бўйича вақти-вақти билан тузатишлар ҳақида маълумот беришга ёрдам беради. Мамлакатлар, шунингдек, айрим соҳалар, компаниялар ёки аҳоли махсус қўллаб-қувватлаш чораларига мувофиқлигини аниқлаш учун бир қатор мезонларни қабул қилиши мумкин (Fischer ва Fox, 2012).

4-жадвал

Потенциал кирувчи таъсирларни олдини олиш усуллари (мамлакатлар кесимида)

Потенциал кирувчи таъсирларни олдини олиш усуллари	Мамлакатлар
Истиснолар	Буюк Британия, Япония, Швеция
Пасайтирилган солиқ ставкалари	Швеция, Франция
Углерод солиғи бўйича имтиёзлар	Дания, Ирландия, Финландия
Ишлаб чиқаришга асосланган чегирмалар	Швеция
Субсидиялар	Жанубий Африка, Ирландия, Швеция, Япония
Углерод солиғи бўлмаган солиқлардан имтиёзлар	Британия, Франция

Даромадлардан фойдаланишни аниқлаш

Углерод солиқлари катта даромад келтириши мумкин ва улардан қандай фойдаланиш умуман иқтисодиётга, солиқ тизимининг самарадорлиги ва халқ фаровонлигига катта таъсир кўрсатиши мумкин. Умуман олганда, ҳукуматлар углерод солиғи бўйича тушумлардан қандай фойдаланишни хал қилиш учун куйидаги учта стратегиядан фойдаланишлари мумкин:

- даромадларнинг бетарафлиги;
- харажатларнинг кўпайиши (шу жумладан қарзни камайтириш учун)
- ташкилотларга компенсация тўловларини топшириш орқали даромадни йўналтириш.

Даромадларнинг бетарафлигига энг оддий шаклда даромадларни бевосита чегирмалар орқали уй хўжаликлари ва корхоналарга қайтариш орқали

эришиш мумкин. Иккинчиси ҳам ҳар бир солиқ тўловчига ёки кам таъминланган уй хўжаликлари ёхуд корхоналар каби аниқ гуруҳларга берилиши мумкин.

Даромадни бетарафликка, шунингдек, даромадни бошқа солиқларни, масалан, меҳнат ёки корхона солиқларини камайтириш орқали ҳам эришиш мумкин. Бу ёндашув, одатда, углерод солиғи бўйича тушумларни ишлатишнинг энг тежамли усули ҳисобланади. Лекин, баъзи шароитларда харажатларни кўпайтириш ёки давлат қарзини камайтириш ҳам муҳим иқтисодий фойда келтириши мумкин.

Агар ҳукуматлар солиқ тушумларини харажатларни кўпайтириш учун ишлатишга қарор қилсалар, уларни умумий бюджетга йўналтиришлари ёки экологик дастурларни қўллаб-қувватлаш ёхуд ижтимоий кўмакни ошириш каби аниқ мақсадларга ажратишлари мумкин. Ҳатто умумий бюджетга киритилган маблағлар ҳам охир-оқибат солиқ билан боғлиқ аниқ мақсадларда ишлатилиши мумкин. Бошқа юрисдикциялар бу маблағларни даромадни камайтириш ёки давлат қарзини тўлаш учун ишлатиши мумкин.

Ҳукуматлар, шунингдек, солиқ тўловчиларга углерод солиғи бўйича мажбуриятларини (бир қисмини) тўлаш ўрнига ҳисоб-китоб тўловларидан воз кечишга имкон бериб, ўз даромадларининг бир қисмидан воз кечишни танлаши мумкин (Marron ва Morris, 2016).

5-жадвал

Углерод солиғи тушумларидан фойдаланиш йўллари
(мамлакатлар кесимида)

Мамлакатлар	Углерод солиғидан фойдаланиш йўллари
Австралия	Кам таъминланган оилаларга ёрдам, шу жумладан, даромад солиғини ислоҳ қилиш. Иш ва рақобатбардошлик тўплами. Кўмир электр энергияси учун компенсация. Кредитлардан фойдаланиш.
Буюк Британия	Даромад ва мол-мулк солиғини камайтириш ва имтиёзлар бериш.
Чили	Умумий даромадни ошириш натижасида таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларини

	ривожлантириш.
Дания	Жисмоний шахлардан олинадиган даромад солиғи, пенсия фонди ва ижтимоий солиқ ставкаларини пасайтириш. Энергия сарфи самарадорлиги ва атроф-муҳит тозалигини таъминлаш.
Финландия	Жисмоний шахлардан олинадиган даромад солиғи, пенсия фонди ва ижтимоий солиқ ставкаларини пасайтириш.
Франция	Жисмоний ва юридик шахлардан олинадиган даромад ва фойда солиғи ставкаларини пасайтириш. Кам таъминланган оилаларга энергия таъминотини ошириш.
Исландия	Умумий бюджет даромадларни ошириш.
Ҳиндистон	Тоза энергия ва атроф-муҳитни таъминлаш
Ирландия	Умумий тушумларни ошириш, дефицитни камайтириш ва қарзларни тўлаш.
Япония	Кам углерод ажратадиган технологияларни қўллаб-қувватлаш.
Мексика	Умумий бюджет даромадларини ошириш.
Норвегия	Умумий бюджет даромадларини ошириш. Индивидуал даромад солиғи ва корпоратив фойда солиғи ставкаларини пасайтириш.
Португалия	Кам таъминланган уй хўжаликлари учун даромад солиғи ставкасини пасайтириш. Умумий бюджет даромадларини ошириш.
Жанубий Африка	Қайта ишланадиган энергия таъминотини қўллаб-қувватлаш. Жамоат транспортини қўллаб-қувватлаш.
Швеция	Умумий бюджет даромадларини ошириш. Индивидуал даромад солиғи ва корпоратив фойда солиғи ставкаларини пасайтириш.
Швецария	Ҳаётий суғурта ва ижтимоий солиқларни камайтириш. Курилиш соҳасида энергия сарфи самарадорлигини ошириш. Технологияларни қўллаб-қувватлаш.

Назорат ва мувофиқликни таъминлаш

Самарали солиқ маъмурчилиги самарали институтлар ва жараёнларни, шунингдек, солиқ мажбуриятлари бажарилишини талаб қилади. Ҳар қандай

мамлакатда даромадларни йиғиш тузилмалари ва солиқ органлари мавжуд. Шунинг учун мамлакатлар иложи борича углерод солиғи маъмурчилигини мавжуд тузилмалар ва муассасалар билан уйғунлаштиришга ҳаракат қилиши лозим.

Ишлаб чиқаришга солинадиган солиқлар нуқтаи назаридан, чиқиндилар одатда ёқилғи сотиш бўйича баҳоланади. Ҳолбуки, бевосита чиқиндиларга йўналтирилган солиқлар, одатда, янада мураккаб ўлчаш, ҳисобот бериш ва текшириш тизимларини талаб қилади. Иложи бўлса, мамлакатлар иссиқхона газлари чиқиндиларини ўлчайдиган ёки энергия ва саноат ишлаб чиқариш каби бошқа тегишли омилларни бошқарадиган мавжуд тизимлардан фойдаланишга ҳаракат қилишлари талаб этилади.

Хулоса ва таклифлар

Охирги ўн йилликларда атроф-муҳит ўзгаришининг кескинлашуви ва экологик муаммоларнинг глобал тусга кириши ҳукуматлардан бу турдаги муаммоларга қарши жиддийроқ қаршилик кўрсатишни талаб қилмоқда. Шу ўринда кўпгина мамлакатларда солиқ тизимини экологик йўналтиришга қаратилган чора-тадбирларнинг аллақачон бошлаб юборилганини айтиб ўтиш жоиз. Аммо, бу ҳаракатларнинг ҳали камлик қилаётганлигини атроф-муҳит ифлосланиши жадал давом этаётганлигида кўришимиз мумкин.

Бунинг асосий сабларидан бири, бу муаммога қарши асосан ривожланган мамлакатларнинг курашаётганидир. Кўпгина ривожланаётган мамлакатлар улардаги иқтисодий барқарорлик ҳали етарли даражада эмаслиги туфайли бу каби кескин қарорларни қабул қилишга шошилишмаяпти ва бу табиий ҳолдир. Чунки, кўшимча солиқ турларининг жорий этилиши умумий солиқ юқининг ортишига ва бунинг оқибатида иқтисодий ўсишнинг секинлашувига сабаб бўлиши мумкин.

Аммо, иқтисодий ўсиш пойгасига киришиб кетиш натижасида атроф-муҳитни ўз ҳолига қайтариб бўлмас даражада зарарлашимиз ва келажак авлодларни ҳаёт учун ҳавfli шароитда умр кечиришга маҳкум қилиб қўйишимиз ҳам мумкин.

Мақолада келтирилган устувор йўналишларга этибор берган ҳолда аксарият ривожланаётган мамлакатлар ҳам иқтисодий ва сиёсий чекловларни четлаб ўтган ҳолда ўзларининг солиқ тизимларини экологик йўналтиришлари мумкинлигини хулоса қилишимиз мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

Arlinghaus, J. 2015. “Impacts of Carbon Prices on Indicators of Competitiveness: A Review of Empirical Findings.” OECD, Environment Working Paper No. 87. <http://www.oecd-ilibrary.org/docserver/download/5js37p21grzq>.

Fischer, C. and A.K. Fox. 2012. “Climate Policy and Fiscal Constraints: Do Tax Interactions Outweigh Carbon Leakage?.” Resources for the Future Discussion Paper 12-19. <http://www.rff.org/files/sharepoint/WorkImages/Download/RFF-DP-12-19.pdf>.

Marron, D. and A. Morris. 2016. “How Should Governments Use Revenue From Corrective Taxes?” Tax Policy Center, Urban Institute and Brookings Institution. <https://www.brookings.edu/wp-content/uploads/2016/07/How-Should-Governments-Use-Revenue-from-Corrective-Taxes-Marron-Morris-1.pdf>.

Metcalf, G. and D. Weisbach. 2009. “The Design of a Carbon Tax.” Harvard Environmental Law Review 33: 499–556.

Zhang, Z. and A. Baranzini. 2004. “What Do We Know about Carbon Taxes? An Inquiry into Their Impacts on Competitiveness and Distribution of Income.” Energy Policy 32: 507–518